

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 1

Урганч тумани

07.01.2022 йил

"URGENCH FOOD CENTER" MCHJ бундан буён матинда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Р.Абдалазизов. фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Урганч туман мактабгача таълим бўлими бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан мудир О.Пирназаров фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан қуйидагилар тугрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли товарни «Харидор» га мулк қилиб топшириш, «Харидор» эса ушбу товарни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Товар ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 қисмидаги № 1 жадвалида курсатилган.

1.3.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Оқ ловия	кг	160	11950	1 912 000
2	Мош	кг	150	11450	1 717 500
3	Карам	кг	1250	4000	5 000 000
4					
5					
6					
7					
8					
	Жами:				8 629 500

1.4. Товарнинг умумий баҳоси (Саккиз миллион олти юз йигирма тўққиз минг беш юз) сўми ташкил этади.

1.5. Шартноманинг (Саккиз миллион олти юз йигирма тўққиз минг беш юз) сўми бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

«Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

2.2. Тўлов шакли: Пул Сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йули билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. «Харидор» нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

3.1.2. «Сотувчи» нинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

3.1.3. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи» дан талаб қилишга;

3.1.4. «Сотувчи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

3.2. «Сотувчи» нинг ҳуқуқлари:

3.2.1. Зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

3.2.2. «Харидор» нинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

3.2.3. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи» дан талаб қилишга;

3.2.4. «Харидор» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Кўриб чиққан юрист: KARIMOV MANSUR ATABAYEVICH. Ҳужжат рақами: XL0047042321

4.1. «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

4.1.1. Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган маҳсулотни «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 10 банк иш куни ичида беришга;

4.1.2. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги Қонун, “Фуқаролик кодекси” ва хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

4.1.3. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

4.1.4. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 иш куни ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.3-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини кайтариб бериш.

4.2. «Харидор» мажбурияти:

4.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

4.2.2. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги Қонун, “Фуқаролик кодекси” ва хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

4.2.3. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 1 иш куни ичида «Сотувчи»ни оғохлантириш;

4.2.4. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

5.2. «Сотувчи» маҳсулотни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги ва тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим;

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортиментини ва нави бўйича стандартлар ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, «Харидор» товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Сотувчи»дан сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса «Харидор» етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, «Сотувчи»дан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

5.5. «Сотувчи» «Харидор»нинг талабини олган пайтдан бошлаб, 15 (ўн беш) кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт.

5.6. Идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун «Сотувчи» «Харидор»га бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.7. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек «Сотувчи» шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун «Харидор» етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

5.8. Товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун «Харидор» маҳсулот «Сотувчи»га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.9. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Харидор» «Сотувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.10. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: JT30548348
жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия,
эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

6.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини
ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

7. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф
томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

7.2. Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси иқтисодий суднинг қарорига
биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда
ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши
мумкин

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг
аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш
тўғрисидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан ёки
тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан қўриб чиқилади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб 2 нусхада тузилган,
ҳамда ушбу шартнома ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон
Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан улар ғазначилик бўлинмаларида
рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга қиради

9.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар.

10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«СОТУВЧИ»	«ХАРИДОР»
«URGENCH FOOD CENTER» МЧЖ	Урганч туман МТБ
Манзил: Урганч туман Чаккашоликор қишлоғи	Манзили: Урганч туман мустақиллик кучаси 36
Тел: 98-277-33-73	Тел: факс: 35-21-146 35-21-147
Банк: АТ Алока банк Хоразм филиали	Шхр: 100022860332177091100251002 ИНН: 305153462 ОКОНХ: 92400
х\р: 20208000005185275001	Молия вазирлиги газначилиги
ИНН: 307 172 034	х\р: 23402000300100001010
МФО: 00861	ХККМ Марказий банк Тошкен шаҳар
ОКОНХ: 46390	инн: 201122919 МФО: 00014




Р.Абдалазизов
(Ф.И.О.)



(имзо)

О.Пирназаров
(Ф.И.О.)



ТАСДИКЛАЙМАН

Урганч туман МТБ

мудири

О.Пирназаров

Урганч туман МТБ комиссия аъзолари
озик-овкат махсулоти сотиб олиш тугрисида шартнома тузганлиги хақида

БА Ё Н Н О М А № 10

«07» январ 2022 йил

Урганч тумани

КАТНАШДИЛАР

Урганч туман МТБ мудирининг 2022 й «05» Январдаги № 1 сонли буйруги билан тасдиқланган комиссия аъзолари

Комиссия аъзолари:

- М.Якубова
- А.Жуманиязов
- Г.Рустамова
- Ю.Машарипова
- Х.Жумёзов

КУН ТАРТИБИ

Урганч тумани МТБ 27.09.2018-йил Ўзбекистон Республикаси ПҚ-3953 сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига мувофиқ озик-овкат махсулоти етказиб берувчини танлаш

ЭШИТИЛДИ:

№	Тижорат таклиф тақдим этган ташкилот номи	ИНН (етказиб берувчи)	Манзили	Танловда катнашган вақтининг ёки раҳбарнинг Ф.И.Ш
1	«Улгуржи савдо саноат» МЧЖ	202788319	Урганч туман Чаккашоликор кишлоғи	Т.Мадрахимов
2	«Хоразм шоликор инвест» МЧЖ	302193154	Урганч туман Чотқўпир кишлоғи	Б.Мадримов
3	Урганч Фуд сентер МЧЖ	307172034	Урганч туман Чаккашоликор кишлоғи	Р.Абдалазизов

Кун тартибидаги масала юзасидан Урганч туман МТБ мудири сузга чиқиб, Урганч туман МТБ харажатларини назорат қилиш, бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, арзон баҳоли ва сифатли махсулотлар етказиб берувчиларнинг танлаш ва улар билан шартномалар тузиш буйича хайъат аъзолари шартнома моҳияти етказиб бериш хажми ва муддатлари ва товарларни етказиб бериш тартиби, нархи тарафларни жавобгарликни низоларни хал қилиш ва бошка қоидаларни уз вақтида бажарилишини айтиб утди.

Озик-овкат махсулотлари етказиб бериш таклифларини қуйидагича урганиб чиқдилар.






№	Махсулот (Хизмат) номи	Улчов бирлиги	«Улгуржи савдо саноат» МЧЖ		«Хоразм шоликор инвест» МЧЖ		Урганч Фуд сентер МЧЖ	
			Сони	бахоси	сон	бахоси	сон	Бахоси
1	Оқ ловия	кг	1	12000	1	12500	1	11950
2	Мош	кг	1	11500	1	12000	1	11450
3	Карам	кг	1	4050	1	4500	1	4000
4								
5								
6								

Юқоридаги таклифларни инобатга олиб танлов комиссияен

КАРОР ҚИЛАДИ:

Урганч Фуд сентер МЧЖдан озик-овкат махсулотлари арзон ва сифатли эканлиги мақсадга мувофиқ деб топилсин ва танлов голиби деб қабул қилинсин. Харидор Урганч Фуд сентер МЧЖдан озик-овкат махсулоти етказиб бериш учун шартнома тузиш топширилсин.

Комиссия аъзолари:

-  М.Якубова
-  А.Жуманиязов
-  Г.Рустамова
-  Ю.Машарипова
-  Х.Жумёзов